

Тошкент шаҳар ҳокимининг 2024 йил 24 июлдаги “Тошкент шаҳрининг Сергели туманини комплекс ривожланиш ва реновация ҳудудининг че гарасини белгилаш ҳамда ушбу ҳудудда лойиҳаларни амалга ошириш тўғрисида”ги 518-14-0-Q/24-сонли қарори билан Олтинводий МФЙ (1,83 га) ҳудудида реновация лойиҳасини таклиф қилиш бўйича **МАЛАКА БОСҚИЧИДА ИШТИРОК ЭТИШ ТЎҒРИСИДА**

## Э Ў Л О Н

**1. Малака босқичида иштирок этишга** кизиқиш билдирган Инвестор ариза ва ҳужжатлар (қуйидаги манзилган қоғоз ёки электрон ҳужжат шаклида) билан муурожаат қилади.

**2. Малака босқичида иштирок қилиш** учун “Тошкент Инвест компанияси” АЖнинг Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Ислон Каримов шох кўчаси, 51-уй (почта индекси: 100066, тел.: +998712100261, el. pochta: info@toshkentinvest.uz ва i.karimov@tashkentinvest.com) манзилига **2024 йил 28 октябр кунига қадар ҳафтанинг душанба кунидан жума кунига соат 9<sup>00</sup> да 18<sup>00</sup> гача** ҳужжатлар қабул қилинади.

### **3. Такдим этиладиган ҳужжатлар:**

3.1. Иштирокчининг аризаси (намуна 1-иловада);

3.2. Инвестор (унинг таъсисчиси (иштирокчиси) ёки унинг ҳар қандай шоўъба корхоналари, асосий компанияси, у боғлиқ бўлган ва (ёки) у томонидан жалб қилинган лойиҳалаштириш ва қурилиш ташкилоти охириги **5 йил ичида** реновация лойиҳаси доирасида **янги қурилиши** режалаштирилган объектни умумий майдонининг камида **ўн фонзи (5 000 м2)** қурилиш тажрибасига (объектни фойдаланишга топширилганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда) эга эканлиги тўғрисидаги маълумотлар (намуна 2-иловада);

3.3. Инвестор таъсис ҳужжатлари тўғрисида маълумот (устав ва юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома);

3.4. Солик ва бошка мажбурий тўловлар бўйича қарздорлик йўқлиги тўғрисида маълумот охириги **10 кунликдаги** (резидентлар учун) (my.gov.uz сайтидан);

3.5. Банкротлик белгилари ёки банкротлик тўғрисидаги қарорларнинг мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумот (резидентлар учун) (my.gov.uz сайтидан).

### **4. Ҳужжатларга талаблар:**

4.1. Аризага кўшилган иловалар барчаси .PDF форматда бўлиши шарт.

4.2. Аризани электрон почта орқали юборишда хатнинг мавзусини кўрсатиш шарт.

4.3. Ҳар бир файл ҳужжат номига эга бўлиши шарт.

4.4. Ариза ва ҳужжатлар топшириш муддати бузилган ва (ёки) улардаги маълумотлар тўлақонли эмас ва ишончсиз деб топилган тақдирда, аризани кўриб чиқишни рад этилади.

4.5. Бунда, Инвестор тақдим этилган маълумотларнинг тўғрилиги ва ишончлилиги учун шахсан жавобгар бўлади.

5. Аризаларни қабул қилиш муддати тугагандан сўнг комиссия аъзолари томонидан ариза ва ҳужжатлар **3 иш** кун ичида кўриб чиқилади ва тегишли қарор қабул қилинади.

6. Қабул қилинган қарорнинг кўчирмаси Компания томонидан **2 иш** кун муддатда Компания сайтида жойлаштирилади

**"Тошкент Инвест  
Компанияси" АЖнинг  
"Реновация ва қурилиш"  
лойиха офиси раҳбари**



И.Каримов

21.10.24